

**ISSUES OF DEVELOPMENT OF TEACHER-EDUCATOR'S SPEECH IN SCHOOL  
EDUCATIONAL ORGANIZATIONS**

Imamova Nilufar Uktamovna

Tutor of the Faculty of Preschool Education

Chirchik State Pedagogical University

Khoshieva Gulmira Isrofil qizi

A Student of MAT 22-2 Group of Preschool Education

Chirchik State Pedagogical University

**ABSTRACT**

Mastering an exemplary speech for an educator is an indicator of his readiness for his profession. This article talks about the peculiarity of speech activity of a pedagogue in preschool education organizations.

**Keywords:** spiritual growth, training, mature and mature, education

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШҚИЛОТЛАРИДА ЎҚИТУВЧИ-ТАРБИЯЧИННИГ  
НУТҚИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

Имамова Нилуфар Уктаомвна

Мактабгача таълим факультети тьютори

Чирчик давлат педагогика университети

Хўшиева Гулмира Исрофил қизи

Мактабгача таълим йуналиши МАТ 22-2 гурӯҳ талабаси

Чирчик давлат педагогика университети

**АННОТАЦИЯ**

Тарбиячи учун намунали нутқни эгаллаш —бу унинг ўз қасб-корига тайёрлигини белгиловчи кўрсаткич ҳисобланади. Ушбу мақолада мактабгача таълим ташқилотларида педагог тарбиячининг нутқий фаоллиятини ўзига хослиги хақида сўз юритилган.

**Калит сўзлар:** маънавий юксалиш, машғулотлар, етук ва баркамол, таълимига тайёрлаш, ва модернизатсия қилиш, замонавий дастурлар технологиялар.

**КИРИШ**

Ҳар бир давлат ва жамиятнинг тараққиёти, истиқболи, фаровонлиги, маънавий юксалиши, жаҳоннинг энг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олиши - билимли, юқори инфеллектуал салоҳиятли, қалбига ва онгига эзгу фазилатларни мужассамлаштирган ёшларга боғлиқ ҳисобланиб, ҳар жиҳатдан етук ва баркамол, ватан тақдиди учун ситқи дилдан хизмат қиласидиган, фидойи, иймонли авлодни вояга етказиш, ўқитишни сифатли ва мазмун жиҳатдан юқори поғоналарга олиб чиқиш аввало ўқитувчи ва тарбиячи мураббийлар зиммасига шарафли ва айни пайтда масъулиятли вазифани

юклайди. Шу мақсадда ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раҳбарлигига 2017 йил 16 август куни бўлиб ўтган йиғилишда мактабгача таълим тизимини таркибий жиҳатдан тубдан ислоҳ қилиш, мазкур муассасаларга болаларни тўла қамраб олиш бўйича устувор вазифалар қўйилди. Бу борадаги таҳлиллар натижасида қисқа вақтда учта йирик хужжат-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 9 сентябрдаги –Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-3261-сонли Қарори, 30 сентябрдаги –Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлариғи ПФ-5198-сонли Фармони ҳамда –Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги –фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги ПҚ-3305-сонли Қарори қабул қилинди. Мавжуд муаммоларни амалий бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2016 – йил 29 – декабрдаги –2017 – 2021 – йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида қарори қабул қилинди ва унинг асосида дастур ишлаб чиқилди. Мазкур қарор мактабгача таълим тизимини моддий - техник базасини мустаҳкамлаш уларни малакали педагогик кардлар билан таъминлаш, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим тарбия жараёнига замонавий дастурлар ва технологиялар тадбиқ этишни кўзда тутади.

Фарзандларимизни интелектуал ахлоқий эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт – шароитлар яратиш мухим ҳисобланади. Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан мазкур соҳадаги ислоҳотлар изчил давом эттирилиб, мактабгача таълим ташилотлари тармоғини ҳозирги замон талаблари ва стандартлари асосида ривожлантириш, уларни реконструкция ва модернизация қилишга қаратилган эътибор замонида ҳам келажагимиз эгаларининг ҳеч кимдан кам бўлмай улғайишлари ҳамда буюк аждодларга муносиб ворис бўлиб етишларини таъминлашдек әзгу мақсад мужассам. Албатта, бу борадаги ислоҳотлар самарасини соҳа талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган кадрларсиз тасаввур этиш қийин. Шу сабабли тизимдаги педагог ходимлар маҳоратини илғор усуллар орқали мунтазам ошириб бориш механизмини яратиш, ахбороткоммуникация технологияларини таълим-тарбия жараёнига кенг татбиқ этган ҳолда, узлуксиз методик хизмат кўрсатиш ишларини такомиллаштириш масаласи ҳам долзарб саналади.

Тарбиячи ўз нутқида сўзларни тўғри ва аниқ ишлата олса, у ҳолда унинг нутқи болаларга тушунарли бўлади. Ўзбек тилининг луғати жуда ҳам бой, у доимо янги сўзлар билан тўлдириб борилади, истеъмолдан чиққан сўзлар ёқолиб боради. Тарбиячи болалар билан нутқий мулоқотда бўлганда, уларнинг ёшини ҳисобга олиб, она тилининг луғат бойлигидан к'енг фойдаланмоғи лозим.

Тарбиячи ўз нутқнинг ифодалилиги устида ишлашда оғзаки нутқ учун ифодалиликнинг интонатсион воситаларидан тўғри фойдаланиш мухим аҳамиятга эга.

Шунинг учун тарбиячи ўз нутқида урғуларни тўғри ишлатиш, овоз темпини ва кучини ўзгартириш билан сўзларнинг мазмунини ажратиш, тўхтамлардан нутқда овозни вақтинча тўхтатиш (ўринли фойдаланиш, нутқда овознинг баландлиги ва кучига қараб ҳара- кати, нутқ темпи, маълум вақт ичida айтиладиган сўзлар миқдори), овоз баландлигини ўзгартириш устида машқ қилиш лозим. Инто- натсия нутқни жонли, жўшқин қиласи, фикрни тўлиқ ва тугалланган ҳолда баён этишга ёрдам беради.

Тарбиячи ўз луғатини, унинг грамматик томонини бадиий, илмий, маҳсус ва бошқа адабиётларни доимий равишда ўқиб бориш билан бойитади ва такомиллаштиради. Бироқ тарбиячи адабиётларни ўқиши жараёнида унинг мазмунига, янги сўзларга аҳамият беригина қолмасдан, балки муаллифнинг асар мазмуинини очишида тилнинг қайси воситаларидан фойдаланганлигига, қайси сўз ва грамматик шаклларни ишлатганлигига, материални қай даражада баён этганлигига бам эътиборни қаратиши керак. Нутқидаги камчиликларни ўз вақтида бартараф этмаслик нати жасида йиллар ўтиши билан бу нуқсонлар мустаҳкамланиб, кишилар уни сезмай ҳам қолади. Нутқида камчилиги бўлган тарбиячи болалар билан ишлаши мумкин эмас. Кўпчилик катталар нутқидаги нуқсонларни бартараф этиш мумкин эмас, деб ҳисоблайдилар. Лекин бу фикр тўғри эмас. Ўз нутқи устида доимий ва қатъий ишлаган тарбиячи нуқсонларини бартараф этиши мумкин.

### **МУҲОКАМА**

Тарбиячининг сиёсий етуклиги болаларни тарбиялаш сифати учун халқ ҳамда жамият олдидаги ўз масъулиятини англашга, таълим-тарбия вазифаларини ижодий ёндашишга, ўз маҳоратини доимо такомиллаштириб бориш ва ишдаги ўртоқларини ўсишига ёрдам беради.

Тарбиячи учун намунали нутқни әгаллаш —бу унинг ўз қасб-корига тайёрлигини белгиловчи кўрсаткич ҳисобланади. Таниқли педагог, болаларни она тилига ўргатиш услугуба услуб-биётларини ишлаб чиқсан услубиётчи, мактабгача тарбия бўйича машҳур мутахассис, профессор Й.Л.Тихейева тарбиячи нутқига юксак баҳо бериб, шундай деган эди: „Боғчада болалар беихтиёр тақлид қиласидиган намуна тарбиячи (боғбон)нинг тилидир, тарбиячининг тили болалар тилига ғоят самарали ва ниҳоятда кучли таъсир кўрсатадиган ҳамма нарсаларни ўзида бирлаштира-диган бўлиши керак. Боғбоннинг тили бекам-у қўст, адабий талаффузнинг ҳар қандай нуқсонларидан холи бўлиши лозим“. Ҳар бир тарбиячи-педагог нутқига қўйилган талабларни жуда яхши билган ҳолда ўз нутқидаги камчиликларни бартараф этиб бориши керак.

### **ХУЛОСА**

Тарбиячи ўз луғатини, унинг грамматик томонини бадиий, илмий, маҳсус ва бошқа адабиётларни доимий равишда ўқиб бориш билан бойитади ва такомиллаштиради. Бироқ тарбиячи адабиётларни ўқиши жараёнида унинг мазмунига, янги сўзларга аҳамият беригина қолмасдан, балки муаллифнинг асар мазмуинини очишида тилнинг қайси воситаларидан фойдаланганлигига, қайси сўз ва грамматик шаклларни ишлатганлигига, материални қай даражада баён этганлигига бам эътиборни қаратиши керак.

Шундай қилиб, тарбиячи нутқидаги сўзлар аниқ танланса, жумлалар грамматик томондан тўғри бўлса, ундаги фикрлар оддий, аниқ, равshan бўлса, изчил кетмакетликда баён этилса, болаларнинг ёши ва психик хусусиятлари ҳисобга олинса, бундай нутқ болалар томонидан осонлик билан идрок қилинади ва улар учун тушунарли бўлади.

## REFERENCES

1. Гостунский А.Н Гидрология Средний Азии -Ташкент: Ўқитувчи 1969-3276
2. С. Каримов, А. Акбаров, У. Жонқобилов “Гидрология, Гидрометрия ва оқим ҳажмини Ростлаш”, 2004 й. Ўқитувчи 2004-2306
3. Назарова, Д. М. (2021). Педагогическая ступень-важная реализация технологии индивидуально-ориентированной стратегии обучения. Экономика и социум, 11(90), 979-983.
4. Полатова, Т. Д. (2021). Изучение заимствованной лексики на уроках русского языка. Academic research in educational sciences, 2(5), 1376-1381.
5. Фаткуллаева, В. С. (2021). Вопросы общественной жизни в творчестве в. шукшина и бунина: эффект и изображение, проблема русского национального характера. Academic research in educational sciences, 2(8), 471-479.
6. Эргашев, А. Х. (2021). О словах зоонимах в русском и английском языках. Русский язык и литература в узбекистане, 1(1), 66-68.
7. Shofqorov, A. M., & Murodova, F. J. (2021). OYBEKNING SO 'Z QO 'LLASH MAHORATI. Academic research in educational sciences, 2(12), 76-80.
8. Ашурев, М. Ў.; Ашурева, М. М. (2020). Математика ўқитишида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш. Ўзбекистонда илмий амалий тадқиқотлар, 1(1), 254-256.
9. Mukhiddinovna, A. M. (2022). Programming language python methodology for creating and using didactic materials for students. Galaxy international interdisciplinary research journal, 10(5), 63-67.
10. Ashurova, M. M. (2022). Python dasturlash tili yordamida o'quvchilarga o'quv-didaktik materiallar yaratish va ulardan foydalanish metodikasi. Экономика и социум, 3(94), 50-54.
11. Ашурев, М. У., Ашурева, М. М., Жумабаев, Р. Б., & Тожиддинова, Д. Ф. (2016). Академик лицей ва касб-хунар колледжлари ўқувчиларининг дастурлаш кўнималарини шакллантириш. In Конференция (Vol. 2, No. 2, pp. 96-97).
12. Muxtarova, S., & O'G'Li, H. U. A. (2022). Til ta'limida o'quvchilarning matn yaratish ko'nikmasini o'stirish. Science and innovation, 1(B3), 533-538.
13. Anarbekova, G. A. (2021). Og'zaki nutqni rivojlantirish tamoyillari. Ekonomika i sotsium, 5(84), 55-75.
14. Normurodov, C. B., Mengliev, S. A., & Mengliev, I. A. (2018). Tashkent.: Problemy v vychislitel'noj i prikladnoj matematiki.
15. Normurodov, C. B., Mengliev, S. A., & Mengliev, I. A. (2018). Issledovanie zavisimosti kojefficiente soprotivlenija ot chislo Rejnoldsa v neszhimaemyh vjazkih zhidkostjah.(p. 60). Tashkent.: Problemy v vychislitelnoj i prikladnoj matematiki.
16. Нармурадов, Ч. Б., Менглиев, Ш. А., & Гуломкодиров, К. А. (2017). Математические модели проблемы гидродинамической устойчивости для однофазных потоков. Проблемы вычислительной и прикладной математики, (1), 41-46.
17. Нармурадов, Ч. Б., Менглиев, Ш. А., & Джураева, Н. Т. (2015). О методах решения проблемы гидродинамической устойчивости. Проблемы вычислительной и прикладной математики, (2), 58-64.

18. Тойиров, А. Х., & Холтураев, Х. Ф. (2019). О проблеме гидродинамической устойчивости. Вестник Национального технического университета Харьковский политехнический институт. Серия: Информатика и моделирование, (13 (1338)), 28-39.
19. Нормуродов, Ч. Б., Менглиев, Ш. А., & Менглиев, И. А. (2018). Исследование зависимости коэффициента сопротивления от число Рейнольдса в несжимаемых вязких жидкостях. Проблемы вычислительной и прикладной математики, (5), 60-68.
20. Mehri, S. (2022). The problem of social adaptation of migrant adolescent children. International journal of social science & interdisciplinary research ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(05), 108-113.
21. Саипова, М. В. (2022). Научно практический опыт изучения детско родительских отношений в психологии. *ILMIY AXBOROTLARI*, 1(6), 257-258.
22. Saipova, M. V., Ergasheva, G. (2022). Maktabgacha ta'limda psixologik xizmatining ustuvor vazifalari. O'zbekiston ilmiy-amaliy konferensiya, 1(1), 15-20.
23. Saipova, M. V. (2022). Migrantlarning o'smir yoshdagi farzandlarida ijtimoiy moslashuv muammosi. Bola va zamon, 1(2), 12-13.
24. Саипова, М. В. (2022). Социально-психологические детерминанты социализации детей трудовых мигрантов. Вестник интегративной психологии, 2(24), 330-333.
25. Saipova, M. V. (2021). Boshlang'ich sinf o'quvchilarning bilim olishga bo'lgan qiziqishlarini shakillantirishning psixologik xususiyatlari. Uzluksiz ta'lim, 1(3), 83-86.
26. Kadirova, Z. Z. (2021). Periphrases in the prose works of Alisher Navoi. Theoretical & Applied Science, (6), 574-579.
27. Kadyrova, Z. (2021). The lexical units in the formation of periphrasis (on the example of periphrases in the prose works of Alisher Navoi). Журнал филологических исследований, 6(2), 17-23.
28. Kadirova, Z. Z. (2021). Nominativ features of the periphrases. Scientific Bulletin of Namangan State University, 2(2), 220-225.
29. Bazarova, E., & Kadirova, Z. (2020). Practical knowledge of the stone names in linguistics. Scientific Bulletin of Namangan State University, 2(1), 178-181.
30. Kadirova, Z. Z. (2019). Principles of differentiation of periphrasal and euphemic units. Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(10), 269-273.